
МИБ ёрдамида ДСИ фойдасига қарздорлик ундирилди

Ўзбекистон туман Давлат солиқ инспекциясининг қарздор "Я. Ш." МЧЖ дан давлат фойдасига 21 068 148 сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўлган қарздорликни ундириш ҳақидаги 4 та ижро қарорлар юзасидан Бюронинг Ўзбекистон туман бўлими томонидан қарздорга нисбатан ижро иш юритувлари қўзғатилган.

Қарздор давлат ижрочиси томонидан белгиланган ихтиёрий муддатда қарздорликларни тўлиқ тўламагани сабабли, мажбурий ижро ҳаракатларига киришилган.

Хусусан, МИБ портал тизими орқали қарздорга тегишли бўлган кўчмас мулк ва транспорт воситаларига нисбатан таъқиқ қўлланилган. Ижро ҳаракатлари давомида қарздорга тегишли бўлган транспорт воситасини хатлаш жараёнида 14.12.2023 й. куни қарздор раҳбари томонидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўлган қарздорликни тўлаш учун 1700 АҚШ доллари миқдорида пул маблағларини тўлов қилиши билдирилган.

Шунга кўра, қарздор ва давлат ижрочиси биргаликда валюта қимматликларини АТБ "Агробанк" Ўзбекистон туман бўлимида сўмга айирбошлаб, жамиятни 4 та ижро иш юритуви бўйича 21 068 148 сўм солиқдан бўлган қарздорлиги тўлиқ ундирилиши таъминланган.

2023-12-19 08:32:20